

# ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№85 (2118). 29 апрель, якшанба, 1962 йил. Баҳоси 2 тийин.

## ЗАФАРЛАР КЕТИДАН ЗАФАР ҚУЧАЙЛИК

Коммунизмнинг шавкатли курувчиси, ер юзидagi ҳамма халқларнинг бахт-саодати ва тинчлиги учун мард ва жасур курашчи улус совет халқи бутун дунёдаги меҳнат аҳлининг катта айёни — 1 Майга зўр тайёргарлик кўрмоқда. Бу сафарги Май байрамининг ўзига сурари, ўзига гаши бор, чунки у мамлакатимизда коммунизм куралишининг улусвор Программасини белгилаб берган шонли партияимизнинг XXII съезидан кейинги, бутун фронт бўйлаб коммунизм куралиши авж олдириб юборилган йилнинг йилликнинг биринчи баҳор байрамидир. Шу кунларда бепоён ўлкаимизнинг ҳамма ерида шонли партияимизнинг янги галабалар, янги зафарларга қорловчи оташин сўзлари зўр куч билан жарағлаб эшитилди.

— Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунизм халқингизни қўли, гайрати ва ақл-иқроқи билан қўради! Бутун куч коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга! Партия давлати совет халқининг кучига-куч, гайратига-гайрат қўшмоқда, кишиларимизнинг сиёсий активлиги ва ижодий ташаббуси булдоқдек мавжурмоқда. Бутун совет халқи билан бир қаторда республикамиз, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари ҳам КПСС XXII съезидан қарорларини оғинмай амалга ошириш, шонли етти йилликнинг тўртинчи йили топириқларини мунддатидан илгари шараф билан бахтирлиқ иштирок этишга тўла-тошгаандлар. Улуғ мақсад йўлида — коммунизм куралиши йўлида қилнаётган меҳнат узининг аjoyиб самараларини берапти.

Республикамиз шонли ишчилар сифи партия XXII съезидан қарорларини амалга ошираётган, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳаёми ва маҳсулотининг энг муҳим қўлчиллик турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1962 йилнинг тўрт ойида шонли мунддатидан илгари — 27 апрелда баҳарда, Байрам кунига ҳам пландан ташқари яна ўнларча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Куч-қудратимиз замини, олға қараб ривожланиш суръатини миз асосларини асосан бўлган оғир индустриянинг етакчи тармоқлари айниқса шаддам қўсмақлар билан юксалмоқда. Ўтган йилнинг худди шу давридаги инсоният қора ва рангли металлургия саноати маҳсулот ишлаб чиқариши 1.5 баравар кўпайтирди, машина-созлик саноати эса шу давр ичда 22 процент кўп турли хил станок, агрегат, машина ва механизмлар тайёрлаб чиқарди. Ўзбекистон саноатининг йиллик маркази ҳисобланган Тошкент шаҳри ва областимиз корхоналари коллективлари ҳам яхши натижаларини қўлга киритдилар.

Бу муваффақиятлардан кўз қувнайди, дил ярайди. — Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Меҳнат умурдорлигини зўр бериб оширишга! Комплекс механизация ва автоматлаштиришни жорий қилингиз, фан, техника муваффақиятларини ва илгөр тажрибаларини ишлаб чиқаришга дадил жорий қилингиз!

Тошкент машинасозлари, Чирчиқ кимёгарлари, Оҳангар шаштёрлари, Бекობод металлургия партияимиз қаҳиранига амалий иш билан жаовоб бериш, она-Ватанга пиланди ташқари қўлаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида ян-

ги режалар белгилаб, мавжуд резервлардан тўла ва унумли фойдаланмоқдалар. Яқиндагина олтинчи қаҳирчи СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишнини тавомлади. Сессия совет халқининг буюқ, бузилмас бирлигини яна бир бор яққол намойиш қилиб кўрсатди. Унда қабул қилинган тарихий ҳужжатлар халқимизни янги зафарларга ундамоқда. Партия, комсомол ва насоба союзи ташкилотлари оммавий тобора ўсиб бораётган ижодий ташаббусига бошчилик қилишлари, коллективнинг куч-гайратини янги-янги резервларини топишга, уларни ишга солишга сафарбар этишлари ва шу йўл билан меҳнат умурдорлигини тинмай ўсиши, маҳсулот ишлаб чиқаришининг кўпайишига эришишлари зарур. Мусобақа жароянда вужудга келаятган янгиликларни ўз вақтида пайқаб олиш, уларни қўлаб-қувватлаш, илгорлар тажрибасини оммалаштириш — коммунизм ва комсомолларимизнинг шарафли бурчидир.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларидан бениҳоят илҳомланган колхозчилар ва совхоз ишчилари ҳам шу кунларда алоҳида гайрат, алоҳида ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Улар деҳқончиликнинг энг интенсив системаларини дадиллик билан амалга ошириш, серхосил эканларини кенг жорий этиш, ҳар бир гектар ерга кам ҳарajat қилган ҳолда энг кўп маҳсулот олиш ва шу йўл билан коммунизмнинг мўл-кўлчилигини вужудга келтиришдек олиёнон мақсад йўлида ҳиммат намарини белга маҳкам боғлашлар.

— Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Қишлоқ ҳўжалигини янада зўр куч билан юксалтириш — коммунист куралишининг зарбор фронтлари, бутун партиянинг, бутун халқнинг ишдари!

КПСС Марказий Комитетининг март Пленумининг қарорларини амалга ошириш учун куралишигиз!

Юртимиз пахта, сабзавот, мевага, гўшт, сут ва ёғга сероб бўлиш — шонли қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашларининг тўлаги сўзлагани, дилда ўйлагани шу. Областимиз колхоз ва совхоз коллективлари қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини еттиштиришни шу йилнинг ўзидеёқ анча кўпайтиришга аҳд қилганлар. Шу мақсад йўлида кўпчилик ҳўжаликлар кўкмағиз экинни намунали ўтказмоқдалар. Комсомол ва Кўйи Чирчиқ районларининг меҳнаткашлари давлатга тухум сотиш йиллик планини ҳўзининг ўзидеёқ ортиги билан бажарганликларини тўғрисида рапорт бердилар.

Ҳамма ерда гўза парваршичи бутун чоралар билан кўчайтириб юбориш — шу кунинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Вақтин кетди, нақдин кетди дейди халқимиз. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, территориялар ишлаб чиқариш бошқармалари ҳар бир ҳўжаликдаги ишнинг аҳолидан доимо кўз-қулоқ бўлиб турнашлари, юз берган камчиликларнинг сабабларини аниқлашлари ва бу камчиликларни тўғатишда колхозлар ва совхозларга яқиндан ёрдам беришлари керак.

Ҳар бир кун бизни умум-халқ байрами — 1 Майга қўйиштирмоқда. Бутун кучимиз, гайратимиз, билимимизни севинки она-Ватанимиз янада гуллаб-яшнаши йўлига сарфлайлик, баҳор байрами — 1 Май, иш меҳнатда янги галабалар билан кўтиб олайлик!

Совет касаба союзлари ишонч билдирадиларки, яхши ниятда ҳамма кишилар бирлашган куч-гайратлари билан империалистлик агрессорларнинг ваҳшиёна пиландиришларини барбод қилиш учун ўз сафларини янада маҳкам жипс-лаштирадилар. (ТАСС).

## Тухум сотиш йиллик плани бажарилди

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларидан ва партияимизнинг майолид жангдор Чакриқларидан илҳомланган Комсомол ва Кўйи Чирчиқ районларининг меҳнаткашлари давлатга тухум сотиш йиллик планини мунддатидан илгари бажардилар.

Комсомол району шу йил 25 апрелда давлатга тухум сотиш йиллик планини 100,5 ва Кўйи Чирчиқ району 100,2 процент қилиб адо этидилар.

Давлатга тухум сотиш давом этмоқда.

## Америкалик ношир Г. КОУЛС билан Н. С. ХРУШЧЕВ СУҲБАТИ

1962 йил 20 апрелда СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев Американинг таниқли ношири Гарднер Коулсни Кремлда қабул қилиб, у билан суҳбатлашди. Суҳбат вақтида Г. Коулс ва унинг ёрдамчиси Э. Коррининг саволларига жаовоб берди.

Суҳбатнинг бошида Г. Коулс Н. С. Хрушчевнинг 68 ёшига кирганига муносабати билан унга узок йиллар бахтли умр ва энг яхши сиҳат-саломатлик тилаганини изҳор қилди.

Н. С. Хрушчев. Раҳмат. Лењин бунда фақат яхши саналарингизга эътиборини ва ундан сўнг йўл йўлида яна шундай яхши ёшнинг ишончли одат бўлиб қолган. Бинобарин мен яна иккинчи «сабр» қилиб туришим лозим. Агар тўғридан кўриш ҳар йил байрам қилганим бўлса, бу ҳолда ишлашга вақт қолмайди; сурунсизга юбилейга бўлаверадик-ку!

Г. Коулс. Сиз билан мутлақо оғинч саллашганига ижозат бергайсиз. Шундай қилиб фойдалан бўлур эди деб ўйлайман.

Н. С. Хрушчев. Марҳамат, мен очик гаплаганишни яхши кўраман.

Г. Коулс. Даставвал мен куралиш масаласини кўтармоқчиман.

Менинчга Сиз ядро уруши даҳшатларини ва муттасил кўчайиб бораётган зўр бериб куралишини тўхтатмоқ учун битмага келиш зарурлигини тушуниб турган давлат арбобларининг энг биринчи сафларида турибсиз. Шу муносабат билан мен Сизга бундай бир савол бермоқчиман: ҳозир Женева олип борилаётган музокараларга Сиз оптимистик умид билан қарайсизми?

# 1 Май шарафига Меҳнат совғалари

## ТўРТ ОЙЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Баҳор байрами — 1 Май шарафига социалистик мусобақани авж олдираётган Ўзбекистон саноат корхоналари коллективлари тўрт ойлик янги маҳсулот ишлаб чиқариш планини мунддатидан илгари — 27 апрелда бажардилар. Халқ

истеъмол моллари ва товарларнинг кўпгина асосий турлари бўйича планлар анча ортиб билан адо этилди. Республика саноатчилари байрамга планга қўшимча равишда қўлаб маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

## ҚИРҚ ЦЕНТНЕР УЧУН

Биз етти йилликнинг тўртинчи йилида 62 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» кўтариб, умумхалқ иши бўлган коммунизм кураши ишга муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил ҳаракат қилаймиз.

Бу мунддордаги ҳосил ўз-ўзидан еттимайди. Балки астойдил меҳнат қилишни, деҳқонлик энг яхши дўсти бўлган техникадан умумли фойдаланишни талаб қилади. Ҳар бир ишни ўз вақтида бажарганимизга натижадада чигит экинни ўз вақтида бошлашга муваффақ бўлдик. 62 гектар ернинг ҳаммасига яқинда қўлаб-қувватлаб чигит эдик. Бу йил еттиштирган барча ҳосилимизни машиналар билан териб олмақчимиз. Ўтган йили кудратли агрегат ёрдамида 110 тонна-

дан ошириб «оқ олтин» терган эдик. Бу йилги аҳдним эса ана шу қадрон агрегат билан 200 тонна пахта териндир.

Катта умид билан ташлаб чигитларимиз ушиб чикди. Соғуқдан зарарланган баъзи гўза уларнига қайта чигит экиб, қўчатларини бут бўлишини таъминладик. Шу кунларда ишлаб қадратлар орасига агротехника қондалари асосида ишлаб бериюқамиз. Баҳор байрами 1-Май кунини аjoyиб меҳнат совғалари билан кўтиб олиш учун курашаймиш. Халққа арзон, сифатли ҳамда мўл-кўл «оқ олтин» етказиб берамиз.

Турсуной РАИМОВА, Чирчиқ районидagi «XXI партсъез» колхозининг трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи.

## ЗўР ҒАЙРАТ БИЛАН

КПСС Марказий Комитетининг 1-Май байрами олдидан чиқарган Чакриқларидан Урта Чирчиқ районидagi Тошовул луб заводи ишчилари, инженер-техниклари ва хизматчиларининг гайрат ва шикоятларини янада ошириб юборди. Корхона коллективни етти йилликнинг тўртинчи йили топириқларини тўла бажариш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда, илгори иш методлари ва прогрессив технологияни кенг жорий қилишга алоҳида аҳамият бермоқда. Шу тўғрисида ҳам янги маҳсулот ишлаб чиқариш тўрт ойлик план белгилаганидан 13 кун илгари бажарилди. Бошқа ишлаб чиқариш техника кўрсаткичлари ҳам ортиб билан адо этилди.

Пешқадим коллектив қўлга киритилган бу ютуқни янада мустаҳкамлаш учун социалистик мусобақани тобора авж олдиришда, апрель ойининг қолган кунлари ичда яна бир неча миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш учун курашмоқда.

К. РОҒАЧЕВ.



Абдумалик Ҳақимов 15 йилдан буюн Оҳангарондаги 9-шахтада ишлаб келмоқда. Пешқадим қолган кунга смена нормасини мунтазам бир ярим бараварга етказиб адо этади. Шу кунларда у июнь ойи ҳисобига кўмир қазиб чиқарапти. Суратда: дондор шахтёр ўртоқ А. Ҳақимов. М. Нуриддинов фотоси.

## „Правда“нинг 50 йиллигига бағишланган илмий назарий конференция



Тошкентнинг юзлаб журналистлари, илмий ходимлари, студентлари ва ишчи-мушбарлари 27 апрелда Радио уюмга тўп-ландилар. Бу ерда партияимиз жаънопар органи «Правда» газетасининг 50 йиллигига бағишланган илмий назарий конференция бўлди. Конференцияни Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ҳузуридаги Партия тарихи институти, Тошкент олий партия мактаби, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети, Ўзбекистон Журналистлар союзи раъленеси уюштирди.

Республикамиз энг кеска журналистларидан бири, «Коммунист» журналининг редактори С. С. Чернин қисқача кириш нутқи сўзлаб, конференцияни очди.

Республика Журналистлар союзи раъленесининг раиси, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактори З. И. Есенбеков «Правда» — коммунизм идеяларининг жардирчи, деган темада доклад қилди. Докладчи Ильяч яратган ва воқта етказган газета биринчи кунларидан бошлаб меҳнаткашлар билан маҳкам алоқа боғлагани, коллективни агитатор ва пропаганда деб бўлибгина қолмай, Ленин идеяларининг тантанаси учун курашда моҳир ташкилотчи ҳам бўлганини тўғрисида гапирди. Революцияга қадарги Туркистонда «Правда» газетаси кенг тарқалар эди. Газета ўлидаги болшевик ташкилотларининг жипс-лаштиришга, уларнинг сафлари кенгайишига ёрдам берди. У пролетар интернационализмнинг ленинча принципларини амалга ошириш, ҳамма миллатдаги меҳнаткашларни рус ишчилар сифи ва Коммунист партия теваратига жипс-лаштириш йўлида катта иш олиб берди.

Докладчи «Правда» газетасининг Октябрь революцияси ва гражддан уруш давридаги ташкилотчилик фаолиятини ҳар томонлама характерлаб, газетанинг социалистик куралишидаги оммавий ижодий активлигини КПСС XXII съезидан белгилаб берган тарихий режаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар қилишдаги буюқ ролини батафсил еритиб берди. Ленинчи «Правда», деб таъинланди докладчи, бутун совет матбуотининг отахонидир. Унинг жузда бой тажрибаси ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш асосида Совет ҳўкимини йилларда гурираб ривожланган Ўзбекистон матбуоти учун наҳомбахш намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Республика Журналистлар союзи раъленеси раисининг ўринбосари, «Правда» Востона» газетасининг редактори А. Д. Ивахненко «В. И. Ленин «Правда» газетасининг ташкилотчиси ва раҳбар» деган темадаги докладда

В. И. Лениннинг «Правда» ишидаги иштироки тўғрисида, Ильяч партия матбуотини ва бутун совет матбуотини ривожлантиришга катта эътибор берганини тўғрисида гапирди. В. И. Ленин фахр билан ўзини журналист деб ҳисоблар эди, матбуотда ишлашни ўзининг бутун ҳаётини иш деб ҳисобларди, партия ҳўдими матбуотда актив ҳамкорлик қилиши, газета миёналарини оммага татсиб кўрсатишини, меҳнаткашлар кенг оmmas билан боғланишини лозим воситаси деб ҳисоблагани эътиборини ҳарида ҳамма таълим бериб келди. Ленинча ишлаш, «Правда»нинг идрол ленинча традицияларига оғинмай амал қилиш, ўз материалларининг го-вийлигини юксалтириш, ўз маҳоратини тинмай ошириш — ҳар бир совет журналистининг фахрли бурчидир. Ўртоқ Н. С. Хрушчев совет журналистларининг партиянинг дастларни деб атади. Бундай баҳо матбуотимизнинг катта хизматларини эътироф этиш билан бирга унинг олдида юксак талабларни ҳам қўлади.

Тошкент олий партия мактаби журналистика кафедрасининг мурдирчи Т. Эрназаров «Правда» Туркистонда» деган докладда партия марказий органи фаолиятининг илг даврига доир бир қанча тарихий маълумотлар келтирди.

В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг старий ўқитувчиси Т. Пилев «Правда» — ишчи ва қишлоқ мушбарлари мактаби» деган темада доклад қилди. В. И. Ленин, деб таъинланди у, журналистлардан шатасиз авторлар билан кўчайтиришни жайта-жайта талаб қилди, матбуотимизнинг кучи — унинг омма билан чамбарчас боғланишида, деб таълим берди. Ленининг бу кўрсатмалари коммунизм куралиши кенг авж олдиришда ҳўзини даврда алоҳида аҳамият касб этади. Матбуотда жамоатчилик асосларини бутун чоралар билан ривожлантириш — унинг олдида қўйилган янги катта вазифаларни муваффақиятли бажаришни мажбурий шартлардан биридир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ҳузуридаги Партия тарихи институтининг старий илмий ходими Ш. Булатов маъмулий нутқи сўзлади. У докладларда баъи отахон назарий қондаларни ривожлантириш, мамлакатимиздаги шародлар билан дўстлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда, Совет Ўзбекистони экономикасининг ва маданиятининг риважланишида совет тахтажчилигининг юксалишида «Правда»нинг катта хизматлари борлигини ёрқин миқсодлар билан кўрсатди.

Журналист А. Акбаров ўз сўзини Туркистонда Октябрь революциясининг галабаси учун курашда «Правда»нинг ролига бағишлади.

Докладлар ва нутқлар конференция қатнашчиларида зўр қизиқиш тўғрисида. (ЎТАП).

## Совет касаба союзлари АҚШнинг жинояткорона ҳаракатини қораламоқда

Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий совети эълон қилган баёнотда бундай дейлади:

АҚШ ҳўкумати бутун дунё халқларининг талаблари билан ҳисоблашмасдан ҳамда бир синовлар бутун инсоният учун қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги оғоҳлантиришларни сира меъсима салтигини намойиш қилиб, атмосферада термодоро синовларини бошлаб юборганлигини Совет Иттифоқи меҳнаткашлари қаттиқ ғазаб билан қарши олдилар. Рождество ордари районида термодоро бомбаларининг портлатилиши — бирча инволиксева халқларга қарши иттифоқлик мақсададаги дардағидир.

ВЦСПС баёнотида АҚШ ҳўкумрон доираларининг тинчлик иши-

га қарши қартилган янги жинояткорона ҳаракати муносабати билан барча совет меҳнаткашларининг норозилик туйғуларини изҳор қилнади. СССР касаба союзлари АҚШ ҳўкуматининг термодоро синовлари ўтказилишини қоралаётгани ва бу синовларнинг тўхтатилишини талаб этаётган жаҳон жамоатчилигининг қудратли овозига қўшилдилар.

Совет касаба союзлари ишонч билдирадиларки, яхши ниятда ҳамма кишилар бирлашган куч-гайратлари билан империалистлик агрессорларнинг ваҳшиёна пиландиришларини барбод қилиш учун ўз сафларини янада маҳкам жипс-лаштирадилар. (ТАСС).

КПСС  
МАРКАЗИЙ  
КОМИТЕТИ

СССР  
МИНИСТРЛАР  
СОВЕТИ

БУТУНИТТИФОҚ КАСАБА  
СОЮЗЛАРИ МАРКАЗИЙ  
СОВЕТИ





